ДИН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Абдикамил Нарбеков

Тарих фанлари номзоди, доцент Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети

АННОТАЦИЯ

Мақолада ватанпарварлик тушунчаси, қадрият сифатидан инсон маънавиятига пайванд қилиниши зарурати, динининг кишилар онгида умуминсоний қадриятлар, шу жумладан ватанпарварликни мустаҳкам жой олишида тутган ўрни масалалари ёритилган.

Ватанпарварлик миллатни англаш, она тили, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат туйғусини шакллантириш орқали кишилар онгига сингдирилади. Бу жараён илмий асосда ташкил этилишида давлат ташкилотлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан дин ҳам фаол иштирок этади. Дин нафақат одамларнинг эътиқоди, маънавияти ва руҳиятига таъсир кўрсатади, балки умуминсоний қадриятларни, шу жумладан ватанпаврварликни илоҳийлаштириш орқали унинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи янада мустаҳкамлайди. Диндорларни миллий ўзликни англаши, маданият, урфодат ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялайди. Бағрикенглик, янгиликларга интилиш ва ўз устида тинимсиз ишлашга рағбат уйғотади.

Калит сўзлар: ватанпарварлик, ҳаётнинг маъноси, миллий онг, “млий кайфият”, меҳр, конфессия, дунёвийлик, динийлик, атеизм, ақидапарастлик, мутаассиблик, жаҳолат, маърифат.

ABSTRACT

The article discusses the concept of patriotism, the need to instill spirituality as a value in a person, the role of religion in the minds of people in the development of universal values, including patriotism. The upbringing of patriotism in the minds of people is carried out through the understanding of the nation, the formation of a sense of respect for the native language, customs and traditions. State bodies, educational institutions, public organizations, including religious ones, are actively involved in organizing this process on a scientific basis. Religion not only influences the beliefs, spirituality and psyche of people, but also further strengthens its position in public life, deifying universal human National University of Uzbekistan Volume 3 | NUU Conference 2 | 2022 Google Scholar indexed Current Issues of Social Sciences and Humanities DOI: 10.24412/2181-1385-2022-2-404-411 Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari 405 April, 2022 https://nuu.uz/ International Scientific Conference values, including patriotism. It educates believers in the spirit of national identity, respect for culture, customs and traditions. Tolerance encourages innovation and the ability to work tirelessly on oneself.

Keywords: patriotism, meaning of life, national consciousness, "national mood", kindness, confession, secularism, religion, atheism, fanaticism, fanaticism, ignorance, enlightenment.

Мақолада ватанпарварлик инсонга хос ҳис-туйғу сифатида ёшлик чоғидан онгига сингдириб борилади ва бу жараён унинг вафот этишига қадар давом этади. Киши қалбида ватан туйғуси шаклланиши жараёнининг мураккаблиги нафақат унда иштрок этувчи томонларнинг кўплиги билан

белгиланади, балки тарихий вазият, ижтимоий-сиёсий муҳит ва бошқа кўрҳплаб шарт-шароитларга, шу жумладан динга ҳам боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Диннинг ватанпарварлик тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига етарли даражада эътибор бермаслик тарбиявий жараённинг натижасига салбий таъсир кўрсатади.

Дининг ватанпарварлик тарбиясидаги тутган ўрни ва аҳамияти мавзунинг долзарб аҳамиятини белгилайди. Мақолада ватанпарварлик тарбияси, кишилар онгига ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш долзарб вазифа, ижтимоий тараққиётнинг муҳим шарти ва воситаси эканлиги асосланган. Ҳозирги даврда ватанпарварлик тарбиясининг аҳамияти, уни жамиятда қадрсиланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларга қарши курашда диннинг тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Мақолада ватанпарварлик тарбияси, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамияти, дин ва ватанпарварлик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, бу жараёнда унинг иштироки масалалари қиёсий таҳлил тамойиллари асосида ёритилган. Ушбу мавзу бир қатор мамлакатимиз олимлари Қуронов М., Ҳакимов Н.Х., Қодиров А.Қ., Ғойибназаров Ш.Ш., Абдулла Шер ҳамда ҳорижий мамлакатлар олимлари Есикова М.М., Махова Н.П., Гуревич П.С., кабиларнинг илмий тадқиқот ишларида бир қанча маълумотлар келтирилган.

“Ватанпарварлик” инсоннинг оиласига, туғилиб ўсган юртига, халқига ва ватанига бўлган пок туйғуси, яъни муҳаббатидир[1]. Ватанга муҳаббат ҳар бир инсонда мамлакат эришган ютуқлари, бетакрор маданиятидан фахрланиш, унинг бошқалардан фарқ қилувчи жиҳатларини англаш ва аввайлаб асраш, ғамхўрлик кўрсатиш, ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга ўргатади. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади”[2].

Дин ҳам ватанпарварликка хос хусусиятларни ўзида акс эттирадли. Диннинг асосини ғайри табиий кучга эътиқод ташкил этади. Унинг асосида кишининг ҳаётга муносабати, яшашдан мақсади, интилишлари, қадриятлари, бурч ва масъулияти юзага келади. Ҳаётий эҳтиёжлари, истак ва майллари жиловланиб, ижтимоий-сиёсий қадриятларга илоҳий тус берилади. Киши муқаддас деб билган воқелик ва ходисаларга муносабати шаклланади. Инсон учун муқаддас қадриятларнинг энг улуғи бу ватандир.

Ватанга муҳаббат миллатни англаш, қудратини тан олиш, она тили, урфодат ва анъаналаримизга ҳурмат, унинг қадрини билиш билан омуҳталанади. Ижтимоий ҳаётда диннинг мавқеи мустаҳкамланиши ўз навбатида халқимизнинг она тилига бўлган ҳурматини юксакларга кўтаради. Ҳозирги даврда мамлакатимизда кишиларнинг ҳорижий тилларга, шу жумладан рус тилига қизиқишнинг ортиб бораётганлиги, она тилимизнинг ижтимоий аҳамиятини пасайтирувчи жараён деб ҳисоблашга асос бўлади. Муаммонинг моҳияти шундаки, чет тилларини ўрганиш ўрта мактабларда уларни фан сифатида ўқув дастурига киритиш шаклида эмас, ёшларни

мактабда ўқитиш тўлиқ чет тилида, асосан рус тилида олиб боришга ўтказиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Халқ таълими вазирлигининг маълумотларига кўра 2021 йилда республикамизнинг 10 % мактабларида машғулотлар рус тилида олиб борилади[3]. Халқаро тажрибада ўрта мактабларда болалар они тилида ўқитилади, ҳорижий тиллар фақат чуқурлаштирилган холда ўрганилади. Ёшларнинг дунёқараш шаклланиши даврида ҳорижий тилларда ўқитиш, уларнинг она тилининг аҳамияти ва ўрнини пасайтиради. Миллий маънавиятимизга танқидий мунасабатини шакллантиради. Маълумки, она тилини унутган халқнинг миллий давлатчилиги ҳам барбод бўлади.

Миллий онг, миллий маънавият “миллий кайфият”нинг юзага келишидан бошланади. Диний эътиқод “млли кайфият”нинг асосидир[4]. Унинг кўлами ва имкониятлари кенг бўлиб инсон ҳаёти ва ижтимоий борлиғининг барча жабҳаларини қамраб олади. Диний эътиқод нафақат диний маросим, балки турмуш тарзи, ҳокимият шакли, байрамлар, маиший муносабатлар, миллий кийим ва бошқаларга ҳам алоқадор дунёқарашдир. Унинг мазкур вазифаси фуқароларни жипслаштиришга, умумий мақсад сари биргаликда ҳаракат қилишга рағбатлантиради.

Мамлакатимизда норасмий фаолият олиб бораётган мазҳабларга адашиб кириб қолган фуқароларимизга муносабатнинг ўзгариши нафақат жамиятимизни жипслаштиради, балки давлат ҳокимиятнинг мавқеини мустаҳкамланишига хизмат қилади. Мамлакатимизда экстремизм ва террорчи ташкилотларга адашиб кириб қолган фуқароларимизни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича амалга ошириаётган демократик ўзгаришларни ҳатто бизга муҳоллиф бўлган ташкилотлар ҳам тан олди. Масалан 2016-2018 йилларда фаолияти тақиқланган ташкилотлардаги иштироки учун судланиб, жазони ўтаётган шахслар сони жами 100 фоиздан 30 фоизга камайди[5]. Давлатимиз террочилик ва экстремистик ташкилотларга адашиб кириб қолган ва ҳаёти ҳавф остида қолган фуқароларимизни қутқариш учун куч ва маблағларини аямаётганлиги давлатимизга нафақат фуқароларимизнинг, балки халқаро жамоатчиликнинг ҳурматини оширмоқда. Маслан, 2019-2021 йилларда “Меҳр–1,2,3,4,5” операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистон каби мамлакатларда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган 531 нафар асосан аёллар ва болалар ватанимизга олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди[6].

Ватанпарварликнинг диний эътиқод билан алоқадорлиги диндорларнинг диний ташкилотга мансублиги, мусулмонлар жамоасига ишончи, саждагоҳи жойлашган заминга ҳурматида ҳам намоён бўлади. 2020 йилда мамлакатимизда 16 та конфессияга тегишли 2298 та диний ташкилотлар фаолият юритиб келган. Улардан 2107 таси исломий ҳамда 191 таси ноисломий ташкилотлардир. Аҳоли таркибидан христиан дини эътиқод қилаётганларнинг улуши тобора камайиб бораётганлигиа қарамасдан ушбу динга тегишли диний ташкилтларнинг сони кўпайиб ораяпти. Масалан, 2020 йил мобайнида адлия органлари томонидан жами 23 та диний ташкилот рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг 8 таси черковлар, 14 таси масжидлар ва 1 таси исломий диний ўқув юртини ташкил этади[7]. Янги очилган диний

ташкилотларнинг умумй сонида христиан черковларининг сони мсжидларнинг сонига нисбата деяри яримини ташкил этган. Қонунчилигимизда миссионерлик ва прозелитизм таъқиқланган бўлса ҳам айрим христианлик мазҳабларининг мамлакатимизда фаоллиги ташвишли холат. Зеро, миссионерлик ва прозелитизм биринчи навбатда фуқароларнинг ватан туйғусини заифлаштирувчи фаолият олиб боради.

Фуқаро ватан олдидаги бурчини англаса ва уни сидқидилдан бажаришга интилса, қалбида муқаддас туйғу мустаҳкам илдиз отганлигидан далолат беради. Мазкур туйғу дастлаб диний маъно ва мазмунга эга бўлган[8]. Жамиятда ватанпарварликка қадимдан илоҳий тус берилиши халқнинг онгида унга илҳий қадрият сифатида муносабатини шакллантирган, ундан миллий маддоҳлик ва гуруҳий манфаатлар йўлида фойдаланиш имкониятларини чеклаган.

Ватанпарварлик тушунчаси мазмунан жуда кенг бўлиб, у инсон руҳиятининг асосини ташкил этиши билан динга яқин туради. Динимизнинг биз учун яна бир муҳим аҳамияти инсонпарварликка асосланганлигидадир. Инсонпарварлик шахс маънавиятини юксакликка кўтаради, унинг макон ва замонда чегараланмаслигига шарт-шароит яратади, абадийликка дахлдорлик, миллат хотирасида сақланиб қолишига кўмаклашади. Ватанпарварлик ғояси дин орқали жамиятга чуқур кириб бориши, динининг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлайди. Немис файласуфи Кант дин инсон томонидан барча ахлоқ нормаларини Худонинг амри сифатида тан олишдир, – деб бекорга айтмаган бўлса керак. Ахлоқ нормалари одамларнинг ватанига муҳаббатини улуғлайди.

Дин, инсонга ўзига хос таъсир кучига эга, унинг иштирокида инсоннинг дунёқараши эътиқодга айланади. Ватанга бўлган муҳаббат кишининг эътиқодига айланмас экан унинг қалбида чуқур илдиз отмайди, унинг таъсир кучи заифлашади. Унинг одамларга таъсир кучини янада мустаҳкамлайдиган восита сифатида ўзини намоён қилади. Диннинг инсонга таъсир кучини Н. Бердяев аниқ ифода этган, “Худо на табиат, на жамият ва на давлат кучга ўхшайди” [9].

Диний ташкилотлар ўз фаолиятида миллий маданиятимига ҳам баракали таъсир кўрсатади ва уни янада бойитади. Айни дамда бу жараён диалкетик мазмунга эга, зеро, дин этиник бирликка салбий таъсир кўрсатиб унда бўлинишларни юзага келтириши мумкин. Диннинг этник жараёнга таъсири турли оқибатларга олиб келишини ҳисобга олган рус мутафаккир адиби Л.Н.Толстой ватанпарварликнинг миллат ва давлат миқёсида чекланганлиги, насронийлик ва ватанпарварликнинг мазмунан бир бирига мос келмаслигини таъкидлаган[10]. Адибнинг дин ва ватанпарварлик ўртасидаги муносабатларда зиддиятли холатлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари, диний эътиқоднинг жамият ва инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини инкор этмайди. Аксинча, диний эътиқоднинг ватанпарварлик ва давлат билан ўзаро алоқадорлигининг диалектик мазмунини ҳисобга олиш зарурлигидан далолатдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, собиқ шўро тузумида ҳукмрон бўлган атеизм (даҳрийлик) мафкураси ҳам барҳам топди. Ислом дини асрий

тутқунликдан сўнг яна ўзининг мавқеини тиклаб, жамиятнинг маънавий ҳаётида аҳамиятга эга бўла бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов айтганларидек «… муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарини аждодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ»[11].

Ўзбекистонда ислом динининг ижтимоий-сиёсий мавқеининг ўзгариши қатор ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Ўзбекистон дунёвий давлат бўлса-да, ижтимоий ҳаётда, айниқса жамиятнинг айрим табақалари орасида диний мафкуранинг салмоғи юқорилигича қолмоқда.

Умуман, дин ҳозирги шароитда муҳим ижтимоий-маданий ҳодисадир. Тарихда ислом дини анъаналарини жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларини мутлақ забт этиш, урф-одатлар ва анъаналарга диний мазмун бериш, жамиятни бошқариш ишларини ҳам илоҳийлаштириш кузатилаг. Масалан, ўзбек маданий меросини диний ва дунёвий соҳаларга бўлиб бўлмайди. Ҳатто илмий тараққиёт ҳам диний қобиқда ривожланиб келган. Диний элемент жамият ва киши ҳаётига шунчалик чуқур ўрнашган, диний маросим дунёвий элемент билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳозирги ўзбек кишисининг менталитети диний элементни ядро сифатида ўз ҳаёти доирасида ушлайди.

Ўзбекистоннинг дунёвий давлат деб эълон қилиниши динни инкор қилинишини англатмайди. Дунёвийлик динга нисбатан бирмунча юмшоқ муносабатда бўлади, фан ва диннинг ҳур ривожланиши, ўзаро толерант (ҳамжиҳат)лик мавжудлигининг тарафдори бўлади.

Лекин аҳолининг аксарият қисми дунёвийлик принципини қабул қилмиши мураккаб кечади. Бунинг сабаби дунёвийлик атеизм билан алмаштирилади, дунёвийликнинг ҳаётбахш салоҳияти, демократик жамият қуриш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати учун қанчалик муҳим эканлигини барча ҳам бирдай англай олмаслигидадир. Ҳозирги даврда аҳолининг диндорлик даражаси ўсишининг янги тўлқини фикримизнинг исботидир.

Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга вазифани бажаради. Бироқ динни сиёсий мақсадлар учун ниқоб қилиб олиш, диний давлат барпо этиш воситасида яна ўрта аср сакрализатсия тенденсиясини ижтимоий ҳаётда тиклашга уриниш дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зиддир. Энг асосийси, дунёвий тараққиёт йўлини танлаган халқимиз диний эътиқодни чуқур ҳурмат қилган ҳолда дунёвий яратувчанглик фаолиятини афзал кўришини сингдириш талаб этилади.

Хулоса тариқасида айтиш жоизки, истиқлол туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий, маънавий ва диний меросини ўрганиш ҳамда ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Муқаддас динимиз халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий маънавиятимизда унинг тутган ўрни ва аҳамиятини

юксалтириш, фуқароларимизни янада жипслаштиришга хизмат қилмоқда.
REFERENCES

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 1. – Т., 2006. – Б. 444. // Mirziyoev Sh.M. Our people expect us to ensure the rule of law and justice in practice // Annotated dictionary of the Uzbek language. T. 1. – T., 2006. – P. 444.

2. Мирзиёев Ш.М. Қуролли кучлар – ватанимиз ва халқимизнинг мустаҳкам қўрғони // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1–жилд. – Т., 2017. – Б.229. // Mirziyoev SH.M. The Armed Forces are a stronghold of our homeland and our people // We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1 – T., 2017. – P.229.

3. https://uz.sputniknews.ru/20211019/minobrazovaniya.

4. Ильин И.А. Будем сильнее всякого кризиса // Наука и религия. 2009. – С.2–4. // Ilyin I.A. We will be stronger than any crisis // Science and religion. 2009. – P.2–4.

5. https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan–48949523.

6. https://www.gazeta.uz/uz/2021/04/30/mehr/.

7. https://huquqiyportal.uz/news/2020/12/29/.

8. Кусмарцев М. Б., Машенцева Н. В. Патриотическое воспитание учащейся молодежи: теория и практика. Волгоград. 2007. – С.212 // Kusmartsev M. B., Mashentseva N. V. Patriotic education of students: theory and practice. Volgograd. 2007. – P.212.

9. Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря //Дух и реальность. – М., 2003. – С.585 // Berdyaev N.A. The Kingdom National University of Uzbekistan Volume 3 | NUU Conference 2 | 2022 Google Scholar indexed Current Issues of Social Sciences and Humanities DOI:10.24412/2181-1385-2022-2-404-411 Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb masalalari 411 April, 2022 https://nuu.uz/ International Scientific Conference of the Spirit and the Kingdom of Caesar // Spirit and Reality. – M., 2003. – P.585.

10. Поляков Л. Логика русской идеи // Общественные науки и современность. 1992. №3 // Polyakov L. The logic of the Russian idea // Social sciences and modernity. 1992. No. 3.

11. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.36 // Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. – T., 2008. – P.36.

12. Мухамеджанова, Лалихон Ашуралиевна (2019) «РОЛЬ НРАВСТВЕННОСТИ В ОБЩЕСТВЕННОМ СОЗНАНИИ», Научный вестник Наманганского государственного университета : Вып. 1: Вып. 9 , статья 17.

13. Мухамеджанова Л.А. (2021). РОЛЬ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Вестник Евразийского национального университета имени Л. Н. Гумилева. Серия: Исторические науки. Философия. Религиоведение, (2 (135)), 123-133.